

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

491 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. МДХга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари Кенгашининг йиғилишида давлатлараро ахборот алмашинувини ташкил этиш ҳамда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар маълумотлари миллий базасини шакллантириш бўйича ҳамкорлик тўғрисида 2009 йил 20 ноябрда Ялта шаҳрида имзоланган Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги Битимни амалга оширишда масъул бўлган ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидалари бажарилгани ҳақида ва Битимни амалга оширишда масъул бўлган ваколатли орган тўғрисида депозитарийга тегишли билдиришнома йўлласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 25 ноябрь,
ПҚ-1648-сон